

Йўл муҳандислиги (Автомобиль йўллари ни эксплуатацияси) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Йўл муҳандислиги (автомобиль йўллари ни қуриш) таълим йўналиши - фан, техника таълим йўналиши бўлиб, автомобиль йўллари соҳаси ва қурилиш комплекси тизимидаги корхоналарда автомобиль йўллари ни қуриш, реконструкция қилиш технологик жараёнлари ва уларни ташкил этиш, уларда ишлар сифат назоратини таъминлаш ва муҳандислик ҳисоблашларни қўллаш, қурилиш жараёнида йўл қурилиш материалларини синов лаборатория ишларини ва сертификатлашни ташкил этиш каби касбий кўникмалар билан боғлиқ масалалар мажмуасини қамраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари Автомобиль йўллари қўмитаси корхоналарида ва қурилиш комплекси тизимидаги ташкилотларда, йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш корхоналарида, йўл қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва синов лаборатория корхоналарида, автомобиль йўллари соҳасига турдош бўлган қурилиш корхоналарда (мулкчилик шаклидан қатъий назар) фаолият юритишади.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

"Таълим йўналиши битирувчилари қурилиш муҳандиси лавозимида ишлашлари мумкин.

Йўл муҳандислиги (Кўприклар ва транспорт тоннеллари муҳандислиги) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Йўл муҳандислиги (Кўприклар ва транспорт тоннеллари муҳандислиги) йўналиши – фан, техника таълим йўналиши бўлиб, шаҳар йўллари ва кўчалари соҳасида муҳандислик қидируви, лойиҳа олди ва лойиҳа босқичлари жараёнлари, шаҳар йўллари ва кўчаларини техник-иқтисодий асослаш, шаҳар йўллари ва кўчаларини муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, лойиҳалашда автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларини қўллаш, шаҳар йўллари ва кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш технологик жараёнлари ва уларни ташкил этиш, уларда ишлар сифат назоратини таъминлаш ва муҳандислик ҳисоблашларни қўллаш, йўл қурилиш материалларини синов лаборатория ишларини ва сертификатлашни ташкил этиш, шаҳар йўллари ва кўчаларини ободонлаштириш, жиҳозлаш, шаҳар йўлларида ҳаракатни ташкил этиш ва хавфсизликни таъминлаш каби касбий кўникмалар билан боғлиқ масалалар мажмуасини қамраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари республикадаги шаҳар йўллари ва кўчаларини қидириш ва лойиҳалаш корхоналарида, шаҳар йўллари ва хўжалиги соҳасига турдош бўлган лойиҳалаш корхоналарида, шаҳар хўжалиги корхоналарида ва қурилиш комплекси тизимидаги ташкилотларда, йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш корхоналарида, йўл қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва синов лаборатория корхоналарида, шаҳар йўлларини эксплуатацияси корхоналарида, шаҳар йўлларини ободонлаштириш ва жиҳозлаш корхоналарида корхоналарда (мулкчилик шаклидан қатъий назар) фаолият юритишади.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Таълим йўналиши битирувчилари шаҳар йўллари ва кўчаларига оид корхоналарда лойиҳа муҳандиси, қурилиш муҳандиси ва шаҳар кўчалари муҳандиси лавозимларида ишлашлари мумкин.

Йўл муҳандислиги (Автомобиль йўллари архитектура-ландшафт конструкциялаш) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Йўл муҳандислиги (автомобиль йўллари архитектура-ландшафт конструкциялаш) - фан, техника таълим йўналиши бўлиб, автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини архитектура-ландшафтли лойиҳалаш, йўл бўйи инфратузилма иншоотларини ободонлаштириш ва архитектура-бадий безаш, автомобиль йўллари архитектура-ландшафтли конструкциялашда муҳандислик ҳисоблашларни қўллаш каби касбий кўникмалар билан боғлиқ масалалар мажмуасини қамраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари Автомобиль йўллари кўмитаси "Ўзйўлқўкаламзорлаштириш" корхонаси бўлимлари ва филиалларида, шаҳар ободонлаштириш бўлимларида, автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини лойиҳалаш корхоналарида, автомобиль йўллари ва шаҳар кўчалари эксплуатацияси корхоналарида фаолият юритишлари мумкин.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Таълим йўналиши битирувчилари йўл ландшафти муҳандиси лавозимида ишлашлари мумкин.

Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича талабаларда таянч ва ихтисослик фанлари асосида темир йўл транспортида транспорт логистикаси ва экспедиторлик операцияларини амалга оширишнинг замонавий технологиялари, темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташишни ташкил қилиш технологияси, юк ва тижорат ишлари бошқариш билим ва кўникмалари, ортиш-тушириш ишларини механизациялаш усуллари, локомотивлардан унумли фойдаланиш йўллари, темир йўл станцияларини ташиш ҳажмига мос равишда лойиҳлашнинг энг самарали усуллари, поездлар ҳаракатини тезкор бошқариш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланишга оид кўникмалар шакллантирилади. Талабалар ўз билим ва кўникмаларини амалиёт орқали мустахкамлаш боришлари ушбу йўналишининг ўқув режасига аниқ белгилаб берилган.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Транспорт вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари"АЖ, "Ўзбекистон темир йўллари"АЖ минтақавий темир йўл узеллари, Экспедиторлик ташкилотра, "Ўзтемирйўлйўловчи"АЖ.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Поезд диспетчери, ташишларни ташкил этиш бўйича муҳандис, юк ва тижорат ишлари бўйича муҳандис, экспедиторлик ташкилотлар оператори, ташишларни ташкил этиш ва юк ва тижорат ишларини бошқариш бошқармаларида раҳбар ҳодим сифатида ишлашлари кўзда тутилган.

Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Мазкур йўналиш фан ва техника соҳасидаги таълим мутахассислиги бўлиб, у халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль транспортдан унумли фойдаланишга, транспортда логистик жараёнларни ташкил этиш ва уни таъминлашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари ва йўллари мажмуини камраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Мулкчиликнинг барча туридаги автотранспорт корхоналари, халқаро магистралларда юк ва йўловчиларни ташишга мўлжалланган терминаллар, логистика марказлари, транспорт департаментлари, транспорт-экспедиторлик компаниялари, илмий, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва муассасалари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва лицейларда фаолият юритадилар

Логист, менежер, оператор, тасарруф хизмати муҳандиси, экспедитор, олий таълим муассасалари, техникум ва касб-хунар коллежларида педагог, илмий ходим

Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

5620200 - "Ҳаводаги ҳаракатини бошқариш" йўналишида Ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни ташкил этиш , Авиация метеорологияси, Ҳаво навигацияси, Радиоалмашув фразеологиясининг қоидалари, Парвозларнинг радиотехник таъминоти, Аэропортлардан фойдаланиш ва ҳавода ташиш, Махсуслаштирилган инглиз тили, Махсуслаштирилган тренажёр тайёргарлиги, Диспетчер ишининг технологияси фанларидан кафедранинг профессор-ўқитувчилари ҳамда "Ўзаэронавигация" давлат унитар корхонасининг авиадиспетчерлари дарс ўтадилар. Иккинчи курсдан бошлаб махсуслаштирилган фанлар инглиз тилида ўтилади. Талабаларга дарс бериш жараёнида, уларни ҳаво ҳаракатини бошқариш бўйича етук мутахассис бўлишлари учун имкон берадиган энг замонавий техника билан жиҳозланган ўқув лабораториядан фойдаланадилар. Амалиётлар "Ўзаэронавигация" давлат унитар корхонасида олиб борилади. Ушбу йўналишда ўқиш учун абитуриентлар махсус тиббий эксперт комиссияси текширувидан ўтадилар ва ҳар йили талабала тиббий кўрикдан ўтиб туришади. Шу билан бирга инглиз тилини билиш керак, ҳеч бўлмаганда Upper Intermediate даражасида.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар



Ўқишни тугатгандан сўнг битирувчилар "Ўзаэронавигация" давлат унитар корхонасига ишга юборилади ва улар Ўзбекистон Республикасининг исталган ХХБ марказларида ишлашлари мумкин. Шунингдек, ушбу йўналиш битирувчилари бошқа транспорт ва логистика соҳаларида ишлашлари ҳам мумкин.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Ҳаво ҳаракатини бошқариш йўналиш бўйича олий касбий таълим олгандан сўнг, талабалар авиадиспетчер соҳаси бўйича, ёки бошқа транспорт ва логистика хизматларида ишлашлари мумкин.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Дунё аҳолиси, автомобиллаштириш даражаси мунтазам ўсиб бормоқда. Жамиятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириши билан бирга йўл-транспорт ҳодисалари натижасида кўплаб инсонлар вафот этмоқда, тан-жароҳати олишмоқда, шунингдек, катта миқдорда иқтисодий зарар етказмоқда. Бундан ташқари кўча-йўл тармоқларидаги транспорт тирбандлиги инсонларни манзилларига етиб боришини кечиктирмоқда. Мазкур мутахассислик фан ва техника соҳасидаги таълим мутахассислиги бўлиб, у халқаро тажрибаларга мувофиқ йўл ҳаракатини бошқариш ва тартибга солиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракат хавфсизлиги соҳасини бошқаришнинг умумий тизими, йўл-транспорт ҳодисаларини экспертиза қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланишга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари ва йўллари мажмуини қамраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва унинг бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳаракат хавфсизлиги бўлинмалари, Автотранспорт корхоналари (мулкчилик шаклидан қатъий назар) ҳаракат хавфсизлиги бўлимлари, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш малакасини ошириш муассасалари, автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва унинг техник воситаларини ишлаб чиқиш корхоналари ҳамда эксплуатация қилиш бўлимлари, КХК, ва ўрта таълим муассасасида фаолият юритишлари мумки.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

ЎзРИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги тасарруфидаги бўлимларда: йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш; транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни ташкил этиш; йўл-транспорт ҳодисалари экспертизаси муҳандиси, эксперт-криминалист, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш таълим муассасалари фаолиятига рухсат бериш ва назорат қилиш мутахассиси лавозимларида ишлашлари мумкин. Автомобил йўлларини эксплуатацияга қабул қилиш, назорат қилиш мутахассиси, автотранспорт корхонасида ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш таълим муассасаларида ўқитувчи, ўргатувчи, КХК, ва ўрта таълим ўқитувчиси.

Автомобиль сервиси таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Автомобиль сервиси бакалаврият таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва транспорт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль сервиси соҳасини ривожлантиришга, истиқболлини белгилашга ҳамда хизматлар жараёнида инновацион технологияларни қўллаш;

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

- автомобиль сервиси соҳасидаги ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш;

- автотранспорт воситаларини сервиси бўйича сарф харажатларни камайтириш ва самарадорлигини ошириш, касбий фаолиятида ишлаб чиқариш воситалардан оқилона фойдаланиш усул ва услублари йиғиндисини ўз ичига олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Бакалаврлар касбий фаолияти объектлари: –ишлаб чиқаришда автомобиль сервиси соҳасида муҳандислик ҳисоблар, алгоритмлар ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;

- автотранспорт воситаларини муҳандислик ҳисоблари, моделлаштириш алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;

- илмий-тадқиқот жараёнлари;

- автомобиль сервисида ишловчи ходимларни бошқариш, технологик жиҳозлар ва уларнинг эксплуатацияси, ахборот таъминот тизимлари ва воситалари, автотранспорт воситасининг иш қобилиятини таъминлаш, тиклаш ҳамда уларни ишлатишнинг самарали жараёнлари;

- лойиҳалаш жараёнларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш, хизмат сифатини таъминлаш ва сертификатлаш (шу жумлада халқаро) методларини қўллаш;

- автомобиль сервиси соҳасида муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Автомобиль сервиси корхоналарида раҳбар, бош муҳандис, моддий техник таъминот бўйича бош мутахассис, диллер, янги техника ва технология бўйича муҳандис, таъмирлаш муҳандиси, техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, транспорт бўйича муҳандис лавозимларида ишлаши мумкин

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида автомобиль транспорти муҳим аҳамиятга эга. Албатта бу борада мамлакатимиздаги автомобиль транспорти соҳаси ва автомобилсозликнинг ривожланаётганини мисол қилиш мумкин. Автомобилларнинг сони ортиши билан бир қаторда уларнинг атроф муҳитга бўлган салбий таъсири ҳам ортиб боради. Бундан ташқари саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳам кундан кунга кўпаймоқда ва атроф муҳитга чиқарадиган ташланмалари ҳам ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида барча соҳадаги ишлаб чиқаришлар, хизмат соҳалари ҳамда автомобиль транспорти соҳасидаги экология ва атроф муҳит муҳофазаси йўналишида юксак билим ва кўникмаларига эга бўлган кадрлар тайёрлашни талаб қилади. Шу муносабат билан "Экология ва атроф муҳит муҳофазаси" йўналиши бўйича таълим олиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Иқтисодиётнинг барча ишлаб чиқариш корхоналари; Атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат назорат ташкилотлари; Автотранспорт корхоналари; Транспорт-логистика корхоналари; Экологик илмий-тадқиқот марказлари; Экологик илмий-ишлаб чиқариш корхоналари; Олий ва ўрта махсус таълим тизими; Давлат бошқарув органлари, Чиқинди ва уларни қайта ишлаш корхоналари.

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Мухандис-эколог; Эколог-назоратчи; Эколог-маслаҳатчи; Автомобилларни экологик кўрикдан ўтказиш бўйича мутахассис; техник хизмат кўрсатиш ва диагностика воситалари мутахассиси; эколог-мутахассис лавозимида ишлаши мумкин.